— Бундай тadbirkorлардан кўзланган мақсад — сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тadbirkor аёлларнинг янада кенг фаолият юритишлари учун имконият яратиш, интеллектуал даражасини оширишдан иборат дур, — дейди партия вилоят кенгаши бўлим мудири Мархабо Чўлиева. — Ўз навбатида, ўтган давр мобайнида O'zLiDeP томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда учта йирик лойиҳа амалга оширилганини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида «Tadbirkorлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси амалга оширилган бўлса, соғлиқни сақлаш бошқармаси, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази билан биргаликда «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси бўйича иш олиб борилди. Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, балоғатга етмаган қизлар ва қариндошуруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа доирасида 20 дан зиёд очик мулоқот ҳамда давра суҳбати ташкиллаштирилди. Эътиборлиси, мазкур тadbirkorларга фарзанд тарбиясига панжа орасидан қарайдиган оналар, жазони ўташ муассасаларидан қайтган фуқаролар, спиртли ичимликларга ружу кўйганлар ҳам жалб этилди. Одам савдоси, вояга етмаганларни қаровсиз қолдириш, ичиш ва чекишни салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиб, ана шу мавзуларга оид буклетлар тарқатилди. Чекка ҳудудларда яшаётган 400 нафар хотин-қиз бепул тиббий қўриқдан ўтказилди. Хусусан, Кўшработ туманидаги акция давомида қоқшол, ошқозон яраси, ўт пуфгаги яллиғлиниши, қандли диабет хасталиги учраган хотин-қиз аниқланди ва улар мутахассислар томонидан берилган йўлланмалар асосида шифохоналарда даволанмоқдалар.

«Оилавий тadbirkorликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳа доирасида 20 нафар аёл O'zLiDeP сафига қабул қилиниб, 30 дан ортиқ фаол, ишбилармон ва тadbirkor хотин-қизлар партиянинг кадрлар захирасига олинди.

Лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичида фаол иштирок этган хотин-қизларнинг 10 нафарига махсус сертификатлар топширилган бўлса, вилоят босқичида фаол иштирок этганларнинг 15 нафарига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини бевуқиб ружулар тақдим этилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даврида бизнес билан шуғулланиш астагидаги опа-сингилларимизга виллоятдаги молия муассасаларидан 285 млн. 650 минг сўм миқорда кредит ажратилишига эришилди. Муҳими, ана шундай саъй-ҳаракатлар тўғрисида 70 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги депутат аёллар ташаббуси билан хотин-қизларни касбга йўналтириш мақсадида улар тажрибали тadbirkor, фермер ва ишбилармон аёлларга бириктирилди. Натижада 100 нафарга яқин опа-сингилларимиз вилоятда фаолият кўрсатуви «Файзи», «Бека Чарос», «Зулхумор Замон Юлдузи», «Дилноз» каби хусусий корхоналарда тивувчилик, қандолатпазлик, сартарошчилик каби касб сирларини бепул ўргана, мазкур корхоналарда ишлаб бошладилар.

Ташаббус сессияга олиб чиқилди

Жиззахда Халқ депутатлари вилоят кенгашнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда O'zLiDeP вилоят кенгаши ва партиядан сайланган депутатлар ташаббуси билан киритилган масала — «Жиззах вилоятида 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган ишлар» юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбасари А.Холматовнинг ҳисоботи эшитилди

Таъкидланганидек, вилоятда 2013 йилда 14 та лойиҳа бўйича таъмирлаш-тиклаш, яна 14 та лойиҳа доирасида эса реконструкция қилиш ва қуриш ишлари олиб борилиб, бугунги кунда ушбу объектларда қабул қилиш-топшириш даволаномаларини тузиш тadbirkorлари якунига етказилаётир. 2014 йилда 10 та лойиҳа бўйича иш олиб борилиб, шундан 2 таси йилдан-йилга ўтувчи, 8 таси янгидан бошланувчи объектлар ҳисобланади. Шунингдек, вилоятда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда мавжуд ирригация тармоқларини тозалаш-таъмирлаш учун «Ўзелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан сув хўжалиги ташкилотларига 130 донга ҳар хил русумли замонавий техника лизинг асосида етказиб берилгани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, 2014 йилда 2650 донга сувни бошқариш ва ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлаш кўзда тутилган бўлиб, шу кунгача фермер хўжалиқларининг 750 та сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганини ҳақида маълумот берилди. Мазкур тadbirkorларни амалга ошириш мавзига 2013-2017 йиллар давомида жами 75,7 млрд. сўмлик иш бажарилиши натижаида 71,3 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланишига эришилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари Н.Пардаев, Н.Нушаров, Д.Юлдашева, Х.Алимова маърузачига савол ҳамда таклифлар билан мурожаат этишар экан, амалга оширилган ишларни жорий йил якунида қайта кўриб чиқишга келишиб олдилар.

Акрам ШАҲАРОВ, O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири.

ЖАРАЁН



Электорат ишончи — муваффақият гарови

O'zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятадаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Қашқадарёда ташкил этилган навбатдаги йилги партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Сайловолди платформаси муҳокамаси, шунингдек, ижтимоий-гуманитар, маънавий-маърифий соҳалар ҳамда жамиятни интеллектуал ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларига бағишланди

Наргиза КАХХОРОВА, «XXI asr»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этган тadbирда таъкидланганидек, жорий йилда парламент қўйи палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов барча қатори O'zLiDeP фаоллари учун ҳам масъулиятли имтиҳондир. Бинобарин, унга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик қўриш, сайлов арафасида партиянинг сиёсий мавқеи ва нуфузини янада ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

— Бу ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ бўлган муҳим масалалар, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Хайдарова. — Эеро, партиаларо рақобатда ютиб чиқиш, омма ишончини қозониш осон эмас. Демак, навбатдаги сайлов янги сиёсий шароитда ўтмишни ҳисобга олиб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз лозим. Электорат манфаатлари шунга тақозо этади. Тўпланган тажрибаларга тўла амал қилиш, фаолларнинг куч ва салоҳиятига таяниш орқалигина бу «имтиҳон»дан муваффақиятли ўтиб, кўпроқ овоз тўплаш ва сайловда муваффақият қозониш имкониятига эга бўлиамиз.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Орзикул Шеров бўлажак сайловда барча даражадаги вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларини эгаллаш учун сайлов қончилигида белгиланган илгор технологияларга амал қилиш, ўтган сайловларда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариш лозимлигини таъкидлади.

Давра суҳбати давомида айни кунда дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар билан ҳамнафас бўлиш, бебаҳо бойлигимиз саналган тинчлик ва оқилолликни асраб-авайлаш, сиёсий ҳушёрликни ошириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, аҳоли турмуши сифатини яхшилаш, ислохотларни қўқурлаштириш борасида партия вилоят кенгаши сайёҳаракати билан амалга оширилётган ишлар тахлил қилинди.

— «Оилавий тadbиркорликдан — мустақам оилага», «Тadbиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга», «Мулкдор оила» сингари йирик партиявий лойиҳалар бу борада катта аҳамият касб этмоқда, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятадаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими раҳбари Гулбахор Тураева. — Хусусан, кейинги беш йил давомида «Тadbиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тadbиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳаларида 1000 дан ортиқ ўш тadbиркор қатнашди. Шундан 100 нафарининг бизнес-режаси истиқболли топилиб, уларга ҳамкор тижорат банклари томонидан 1 млрд. 394 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада ҳудудларда 600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. «Мулкдор оила» лойиҳасининг 2012, 2013 ва 2014 йиллардаги якуналарига кўра, 101 нафар тadbиркорнинг бизнес-режаси 1 млрд. 158 млн. сўм маблағ эвазига тўлиқ молиялаштирилди. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида жойларда O'zLiDePга бўлган ишонч-ти мустақамлаб, аъзолар ва хайрихоҳлар сонининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Тadbирда, шунингдек, «Кучли ўрта синф — барқарор, рақобатбардор иқтисодиёт — фаровон мамлакат асоси» гоёси асосида ишлаб чиқилган, 2015-2019 йилларга мўлжалланган партия Сайловолди платформасининг лойиҳаси тўғрисида тўпланганларга батафсил маълумот берилди.

Биринчи теримда — 39 центнер



O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Пахта йигим-терими давомида илгор натижаларга эришганларни рағбатлантириш ҳамда партия гоёлари тарғиботини аҳоли ва ёшлар

орасида янада кучайтириш тўғрисида»ги фармойишига асосан «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси томонидан O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Жиззах туманидаги «Жасуржон Маннон ўли», «Шеркул ўли Норкул», Пахтакор туманидаги «Семур» фермер хўжаликлари далаларида пахта хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳашарчилари билан учрашув ўтказилди. Унда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уларга яқиндан ёрдам кўрсатиш партиянинг асосий мақсади эканлиги, мамлакатимизда фермер хўжаликларига турли имтиёз ва преференциялар беришнинг самарали тизими барпо этилганлиги алоҳида таъкидланди. Учрашув давомида «Жасуржон Маппон ўли» хўжалиги раҳбари Маннон Эшнарзоров 22 гектар ерда пахта етиштириб, биринчи теримда 39 центнердан ҳосил олгани, «Семур» хўжалиги раҳбари Муҳаммад Сувоқуллов режани 120 фойиза бажаргани эътироф этилиб, намунали фаолияти учун O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ташаккурномаси билан тақдирланди. Тadbир якунида ҳашарчилар учун концерт дастури намойиш этилди. **Олим НОРЖИГИТОВ.**

Тўлов қобилиятини тиклаш — долзарб масала

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилган ишлар натижасида кейинги пайтда зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарнинг тўққизтасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мазкур корхоналар жорий йилнинг 8 ойини жами 5,6 млрд. сўм фойда билан якунлади

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

Йилнинг биринчи ярмида кам қувватли, фаолият юритмаётган 250 та корхона-ни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастури асосида 36,6 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритилиши туфайли 127 та лойиҳа амалга оширилиб, 761 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

«Тadbиркорлик субъектларининг тўлаш қобилиятини тиклаш ва бизнесни тугатиш бўйича жараёнларни соддалаштириш» мавзусида Бухорода ўтказилган амалий мулоқот чоғида ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилди.

O'zLiDeP вилоят, шаҳар

ва туман кенгашлари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, вилоят адлия, солиқ бошқармалари, Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари иштирокида ўтган амалий мулоқот давомида тadbиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида ишбилармонлик ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун доирасида амалда экани яна бир марта таъкидланди.

Тadbирда мамлакатимизда бизнесни тугатиш бўйича жараёнларни соддалаштиришга қаратилган амалий чора-тadbирлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг

тўлаш қобилиятини тиклашнинг долзарб масалаларига оид бир қатор маърузалар тингланди.

— Вазирлар Мақамасининг 1999 йил 3 июлда қабул қилинган «Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзлаштиришга қаратилган амалий шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида», Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги «Тadbиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхта-тиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кейинги пайтда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди вилоят солиқ бошқармаси

бўлим бошлиғи Баҳодир Қудратов. — Натижада бугунги кунга келиб вилоят бўйича фаолият кўрсатмаётган корхоналар сонини жорий йил бошига нисбатан 839 тага камайитиришга муваффақ бўлинди. Фаолият йўлга қўйилмаган 2753 та корхонанинг 945 таси савдо-саноат, 143 таси хизмат кўрсатиш, 135 таси транспорт, 799 таси эса бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирги пайтда фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг икки мингтасида устив жамғармаси шакллантирилиб, улар айланма маблағлар билан таъминланса, 2 мингга яқин янги иш ўрни

тикланиб, маҳаллий бюджетга қўшимча равишда 1,3 млрд. сўмга яқин маблағ ундириш имконияти юзага келади.

Амалий мулоқотда сўз олган Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Жамшид Қандов, вилоят адлия бошқармаси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бош маслаҳатчиси Шухрат Тоиров, вилоят «Тadbиркор аёл» уюшмаси раиси Дилрабо Аҳмедова, шофирконлик тadbиркор Ҳамид Қозоқов ва бошқалар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Тadbир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга алоқадор ташкилот ва муассасалар вакиллари томонидан батафсил жавоб берилди.

Имтиёз ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўл очмоқда

Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамият касб этади

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Қашқадарё вилояти мисолида оладаги бўлсақ, ўтган йили 8 та корхонанинг 15 та лойиҳаси маҳаллийлаштириш дастурига киритилганини, бунинг натижасида 3 миллион 707 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағ иқтисод қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Солиқ ва боғхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар эвазига корхоналар ихтиёрида қолдирилган 6 млрд. сўмдан ортиқ сармоя янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш учун йўналтирилди.

Таъкидлаш жоиз: бугунги кунда вилоятдаги 20366 та тadbиркорлик тузилмасида 847500 киши меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес субъектларининг янги ички маҳсулотдаги улуши эса 44,3 фойизни ташкил этапти. Тadbиркорлар ва ишбилармонлар учун яратилаётган имтиёзлар уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришда жуда қўл келмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят бўйича бешта лойиҳа республика маҳаллийлаштириш да-

турига киритилган бўлиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган ярми давомида 839,3 млн. сўм миқдорда маҳсулот тайёрланиб, 362,3 минг доллар миқдорда эркин айирбошланидиган валюта иқтисод қилинди.

Масалан, Қарши шаҳридаги тўқимачиликка ихтисослашган «Cotton Road» кўшма корхонаси 104 та қўшимча замонавий тикув машинаси билан таъминланди ва 65 та янги иш ўрни яратилди. Жамоа сафига қабул қилинганларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчиларидир. Қолаверса, поплин (шойи мато) ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа

ҳам муваффақиятли амалга оширилиб, йилнинг ўтган ярми мобайнида 416 млн. сўмга тенг миқдорда маҳсулот тайёрланди. Эътиборлиси, бугунги кунда корхона маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалардан яна бири Қарши туманидаги «Santexyig majhoz» масъулияти чекланган жамиятига тегишлидир. Бу ерда мрамар кукунига полистирол моддаси қоришмасини аралаштириш йўли билан замонавий сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига ҳам унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Шубу технология жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ҳам муваффақиятли синовдан ўтган бўлиб, жиҳозлар чўяндан тайёрланган буюмларга нисбатан анча енгил ва мустаҳкамдир. Амалдаги йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида турли ҳажмдаги 1000 дан ортиқ полимер мрамарли ванна ишлаб чиқарилди ва намунали лойиҳа асосида қурилаётган уйлари жиҳозлаш учун етказиб берилди. Ана шу давр орасида корхона жамоаси томонидан 255 млн. 300 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Умуман, дастурга асосан берилган имтиёзлар тadbиркорларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизациялаш, техник

ва технологик жиҳатдан янгилаш, зарур хом ашё ва материаллар сотиб олиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Айни пайтда вилоятда микрокальцит, косметик совун, гофрокартон қутилар, лак-бўёқ, қоқоқ ва полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳалар устида изланишлар олиб борилаётган. Хусусан, «Шўртангазимё» мажмуаси, «Буюк турон чинори» қурилиш корхонасининг янги ҳудудий лойиҳаларини жорий йилнинг тўртинчи чорраида амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса вилоятнинг турли хил товар ва маҳсулотларига бўлган талаб-оҳтиёжга ички имкониятлар ҳисобига қондирилади, демакдир.

Бизнесни танлаган битирувчилар

Гулистон шаҳрида «Тadbиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида «Ўз» бизнесининг бошла» номли семинар-тренинг ташкил этилди.

Вилоятнинг туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган илгор тadbиркор аёллар ҳамда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этган тadbирнинг биринчи кунда «Бизнес нима?», «Тadbиркорлик нимадан бошлаш керак?» каби мавзулар бўйича маърузалар тингланган бўлса, «Тadbиркор кун» деб номланган иккинчи босқичда семинарнинг 60 нафардан ортиқ қатнашчиси Гулистон шаҳридаги корхоналар фаолияти билан танишдилар. Тadbир якунида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила маркази» «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ва бошқа муассасалар ташкилотлар ходимлари иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шундан сўнг бизнес гоё ва режалар бўйича интерактив мулоқот уюштирилди. **Дилора ЭСОНОВА.**

Мижозларга қулай шароит

Молия хизматлари бозорида ўз ўрнига эга бўлган «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки Фарғона филиали миқозларга барча турдаги, жумладан, ҳисоб-касса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этмоқда. Филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида «Тadbиркорлар хонаси» ташкил этилган. Унда банкнинг юқори малакали мутахассислари тadbиркорларга уларни қизиқтирган масалалар юзасидан тушунча бериб, миқозларнинг муаммоларини ҳал этишга қўмаклашмоқда. Мамлакатимизда тadbиркорларга яратилаётган бунақай имкониятлардан фойдаланаётган ишбилармонлар юртимиз ободлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга астойдил хизмат қилаётган. Банк имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўлида олиб борилган пухта сиёсат натижасида иш самарadorлиги ошиб, миқозлар бозорида банкнинг фаоллашуви таъминланган. **Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, Ҳаёт ҳам бўлмасди ғўзал бу қадар».

А.ЖОМИЙ.

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDePнинг вилоят ва туман кенгашлари раҳбарлари фермерлар ҳузурида бўлиб, уларни дастлабки ютуқлар билан табриқладилар. Хусусан, шундай учрашувлардан бири Пайарик туманида бўлди. «Завқидин Ҳимматов», «Озод», «Баҳорий далаларида баҳор» фермер хўжаликлари

партия фаоллари томонидан тақдирландилар.

— Биз 14 гектар майдонга пахтанинг «Омад» навидан эккан эдик, — дейди «Баҳорий далаларида баҳор» фермер хўжалиги раиси Оллоберди Умрзоқов. — Йигим-терим бошлангач, ютуқлар билан табриқладилар. Хусусан, шундай учрашувлардан бири Пайарик туманида бўлди. «Завқидин Ҳимматов», «Озод», «Баҳорий далаларида баҳор» фермер хўжаликлари

«Ташаккурнома» ҳамда со-вғалар ҳадя этишгандан янада руҳланди.

Худди ана шундай тadbир партия фаоллари ҳамда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ходимлари томонидан вилоятнинг Оқдарё, «Бойжигит-ЖБС», «Шухрат Азимжон чорваси» фермер хўжаликлари раҳбарлари ва илгор теримчилари тақдирланди.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 2-oktabr, payshanba, 39 (567)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Ўн тўққиз ёшли тадбиркор

«Олмалик-Максам» акциядорлик жамияти бошланғич партиясига ташкилот тузилганига қарийб 10 йил бўлди. Ўшанда унинг аъзолари 20 га яқин эди. Ўтган давр ичида қуйи бўғин сафи кенгайиб, аъзолар сони салкам 200 нафарга етди

Зиёдулла МҮМИНОВ,
«XXI asr»

— Бу биз учун чегара эмас, — дейди БПТ етакчиси Ойбек Эгамбердиев, иш столидаги қалин бир дафтарни узатар экан. — Унда турли муаммолар ечимлари, бизнинг ёрдамимиз билан ҳаётда ўз ўрнини топган ёшларнинг миннатдорлик сўзлари битилган. Кейинги йилларда ходимлар турли масалаларда бизга мурожаат қилишмоқда. Ташкилотимиз тўғрисида маъмуриятга чиқиб, кўпчилик масалаларнинг ижобий ҳал этилишига эришяпти. Натижада корхонада партиямизга ишонч ортиб бораётти. Ҳозирда корхонамиз ёшларнинг қарийб 50 фоизи партиямиз сафида.

Олмаликда бугунги кунда 2600 нафардан зиёд О'зЛиДеР аъзоси бор. «Олмалик-Максам» АЖ каби йирик БПТ мавжуд корхона ва ташкилотлар сони эса яқинда 60 тага етди. Бугунги кунда атрофига 108 кишини бирлаштирган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, ўнлаб аъзога эга «Таманно» ательеси, «Авазбектранс» хусусий корхонаси, шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати, «Егду-инвест пласт» сингари тадбиркорлик субъектлари қoшида янги бошланғич ташкилотлари тузилиб, ишимизда кескин бурилиш даври бошланди.

— Гап сонда эмас. Аммо шундай имкониятга эга ҳудудда партиямиз аъзолари озлигидан қониқиб ҳосил қилмай юрардик, — дейди О'зЛиДеР Олмалик шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Абдуваҳид Шодиев. — Шу боис жорий йилда сафаримизни кенгайтиришга астойдил киришдик. Лекин, шундай бўлса-да, асосий мақсадни сонга эмас, сифатга қаратяптимиз. Қувонарлиси, қуйи бўғинларимиз дунёқараш кенг, тадбиркор ва ишбилармон ёшлар

ҳисобига фаолиятини кенгайтираётти. Бунда депутатлик гуруҳимиз аъзоларининг ёрдами катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг бевосита кўмагида ўтган йилдан буён бошланғич партиясига ташкилотларимиз ишини янада яхшилаш ва рағбатлантириш мақсадида шаҳарда «Энг намунали БПТ» танловини ўтказишни йўлга қўйдик. Туман аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази билан биргаликда ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали ҳар йили 200 нафарга яқин ёш, жумладан, касб-ҳунар коллежларини тугатган йилгит-қизларнинг ўзлари эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришга эришяптимиз. Бундан ташқари, тадбиркор фаолларимиз йил давомида 5 тагача янги иш ўрни яратиш масъулиятини зиммаларига олдилар.

Ана шундай тадбиркорлардан бири — «Ситора» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Зулфия Усмонова билан суҳбатимиз чоғида биз ҳам бунга тўлиқ амин бўлдик. Мазкур жамоадаги бошланғич ташкилотга 21 нафар партиясига аъзоси бирлашган бўлиб, улар асосан хотин-қизлардан иборат.

— Аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилаяптимиз, — дейди Зулфия опа. — Биргина 2013 йилда бошланғич ташкилотимиз саъй-ҳаракати билан 30 га яқин кишини иш билан таъминладик. Жорий йилнинг ўтган даврида эса яна 20 нафар ҳамшаҳримиз ишли бўлди. Бундан ташқари, ўқув курсларимизни тугатган аёллар айни кунда тикувчилик, пишириқчилик, тадбиркорлик, пишириқчилик таъйёрлаш бўйича яқка тартибда фаолият юритишяпти.



Шаҳар партиясига ташкилот фаолиятини ўрганиш асосида депутатлик гуруҳи, БПТлар саъй-ҳаракатлари билан ўз ишини бошламоқчи бўлган ёш тадбиркорлар билан тажрибали ишбилармонлар ўртасида ўзига хос «устоз-шогирд» аънъанаси йўлга қўйилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Хусусан, тадбиркорликни ихтиёр этган ёшлар кўпинча бошланғич маблағдан қийналиб, тижорат банкларида кредит олишда муаммоларга дуч келишади. Ана шундай пайтда устоз тадбиркорлар ёрдами, тажрибаси қўл келиши аниқ.

Масалан, жорий йили «Диплом» билан — бизнесга» лойиҳасида катнашиб, тенгдошлари орасида эътиборга тушган Эргашали Сулаймонов эндигина 19 ёшга тўлди. Аммо ўзининг интилувчанлиги, лицейда олган билими, ус-

тоз тадбиркорларнинг маслаҳати билан яқинда у хитойлик тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, терини қайта ишлайдиган корхона очишга қарор қилди. Эргашалининг бизнес-режасини ўрганиб чиққан «Ипотека банк» унга 60 миллион сўм кредит ажратадиган бўлди. Ана шундай ёшларимиздан яна бири — коллеж битирувчиси Рўзимурод Марҳабоев ҳам мазкур банкдан 5 миллион сўм кредит олиб, шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасини ташкил этмоқчи. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу боис ҳам шаҳар аҳолисининг турли ёшдаги вақтлари бизнинг сафимизда бўлиш истагини билдиришмоқда. Улар орасида ака-ука, опа-сингиллардан иборат оилавий аъзолар ҳам бор.

Очигини айтиш керак: бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун тинмай излашни, аҳоли билан мунтазам жонли мулоқотда бўлиш талаб этилади. О'зЛиДеР Олмалик шаҳар кенгашининг ана шу ақидага қатъий риоя қилаётгани иш натижаларида яққол акс этиб турганининг боиси ҳам ана шунда.

Теран хайрихоҳлик туйғуси

Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилги сайлов аввалгиларидан қизғинроқ ўтиши кутилаётти. Зеро, кейинги йилларда сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти янада юксалди. Бинобарин, жойларда сайловолди жараёнининг муҳим босқичларидан бири — имзо тўплаш жараёнига алоҳида масъулият билан ёндашилди

Хусусан, О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят кенгаши таркибидagi партиясига ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан 3 мингдан зиёд имзо йиғилди. Мазкур муҳим босқичда бошланғич ташкилотлар фаол иштирок этганини қайд этиш лозим. Шундай бўлиши табиий. Чунки қуйи бўғинлар электорат, сайловчилар билан юзма-юз иш олиб борувчи партиясига таянч нуқтасидир.

— Мен Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўладиган сайловда катнашишни кўлаб-қувватлаб, чуқур хайрихоҳлик туйғуси билан имзо қўйдим, — дейди Термиз шаҳридаги «Шаҳрибону» оилавий корхонаси раҳбари Махбуба Қаршиева. — Партиясига ўз дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошираётти. Унинг хайрли ташаббуслари, амалий ишлари кенг оммага маъқул бўлаяпти. Шу боис тарафдорлари тобора кўпаяпти. Масалан, мен яқинда «Диплом билан — бизнесга» партиясининг лойиҳада катнашиб, банкдан имтиёзли кредит олишга эришдим ва бизнесимни йўлга қўйдим.

— Бошланғич ташкилотимиз сайловга пухта тайёргарлик билан кириб бораётти, — деди биз билан суҳбатда «Диёр-Термиз» МЧЖдаги БПТ етакчиси Исо Қалқонов. — Жумладан, имзо тўплаш ишларида аъзоларимиз фаол иштирок этдилар. Улар томонидан бу тадбирга тааллуқли барча масалаларга жиддий эътибор қаратилди. Айни кунларда эса сайловолди тарғибот ишларини янада кучайтиряптимиз.

Мухтасар айтганда, имзо тўплаш жараёни ҳудуддаги барча партиясига ташкилотларида уошқоқлик билан ўтказилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу жараёнда бизни кўлаб-қувватловчилар кўпчилигига яна бир қарра амин бўлдик.

Д.РАҲМОНОВА,
О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими.



Ёш авлодга алоҳида эътибор

Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида О'зЛиДеР маҳаллий кенгаши ва бошланғич ташкилотлари ташаббуси билан «Истиқбол ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги партиясига аъзолари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Наврў» МФЙда яшовчи йилгит-қизлар иштирок этган тадбирда ёшларга онд давлат сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратаётганини, хусусан, сиёсий қуч саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама камол топан, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида фаол қатнашишга қўлир навқирон авлодни тарбиялашга йўналтирилаётганини хусусан аъзоликка сўз юритилди.

— Ёшлар бизнинг келажатимиз, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлими раиси Р.Анорбоев.

— Уларнинг он-тафаккурини узлуксиз бойитиб, дунёқарашларини кенгайтиришимиз зарур. Бу борада ННТлар партиясига ташкилотлари, хусусан, БПТлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашлари мақсадга мувофиқ,

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Фикр — ҳар қандай бойлик, ҳар қандай муваффақият, ҳар қандай моддий фаровонлик, барча буюк кашфиётлар ва иштироқларнинг биринчи манбаси».

Клорд М.БРИЦОЛ.

Синовга масъулият билан ёндашилди

АТ «Агробанк» марказий аппаратида фаолият юртгаётган О'зЛиДеР бошланғич ташкилотига 2004 йили асос солинган. Бугунга келиб унинг аъзолари 94 нафарга етди.

Партия Чилонзор туман кенгаши таркибидаги мазкур таянч бўғин фаоллари ҳам сайлов кампанияси бошланганидан кейинги дастлабки синов — имзо тўплаш жараёни муваффақиятли ўтишига муносиб ҳисса қўшдилар. Имзо варақаларини тўлдириб тартибларига қатъий риоя қилинган ҳолда улар томонидан 248 та имзо йиғилди. Таъкидлаш керакки, ушбу муҳим тадбирда ҳам партиямизнинг одамлар орасидаги нуфузи янада ортгани намоён бўлди. БПТ етакчиси Иброҳим Ҳакимовнинг айтишича, бундай ишонч ва мавқега ўз-ўзидан эришилмайди. Биргина мисол: сайловдан сайловгача бўлган даврда банк миқозларидан тушаётган шикоятлар 67 фоизга камайди. Ана шундай ижобий натижаларда эса бошланғич ташкилотнинг банк филиаллари фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва гоълари, ташаббуслари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

— Сиёсий партиясининг сайловдаги иштирокини кўлаб-қувватлаш мақсадида сайловчилар имзоси тўпланаётганини эшитиб, О'зЛиДеР учун биринчилар қаторида имзо қўйдим, — дейди банк Маънавият ва маърифат шўъбаси ходими Гулноза Усмонова.

Б.ИСРОИЛОВ.



Ишбилармонлар ва ижодкорлар. Ҳўш, уларни нима бирлаштириб туради? Аввало шунга таъкидлаш жоизки, ҳар иккисига ҳам инсон қалбининг туб-тубида шаклланадиган ҳавас пойдевор бўлади. Орадан бироз фурсат ўтиб, ана шу ҳавас ниятга айланади. Мен ҳам фалончидек машҳур тадбиркор ёки санъаткор бўламан, деган интилиш вужудга келади. Худди шу даврда азму шижоат булогидан сув ичган одамлар албатта ўз мақсадига эришади. Ҳақолат меҳнати билан юртга танилган қишлоқ мулкдорлари — қаҳрамон фермерларимиз умр йўлида айни шу ҳақиқатни кўриш-кузатиш мумкин.

Санъат аҳли ҳам, бизнес вакиллари ҳам танилиш, машҳурлик, халқнинг кўнглидан жой олишдан иборат уч босқичли жараёндан муваффақиятли ўта олмагани элнинг ишончи ва хурматига сазовор бўлади. Танилиш унчалик қийин эмас. Масалан, ойна жаҳонда тўрт-беш марта кўриниш берган кишининг юз тусилишини кўпчилик эслаб қолиши тайин. Машҳурликнинг масъулияти эса жуда оғир. Ўзининг эзгу амаллари орқали Ватан тараққиёти, юрт равнақиға хизмат қила олганлар бу босқичдан ўтиб, халқнинг кўнглидан жой олади.

Мен тадбиркор ва фермерларни астойдил ҳурмат қиламан. Чунки улар ўз маблағини аниқ мақсадга йўналтириб, ўзи ва атрофидоғилар учун даромад манбаи яратади. Кичик бизнеснинг ҳар қандай шароитта тез мослашишининг боиси ҳам шунда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига эса жамиятдаги ана шу ҳаракатчан қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида халқнинг кўнглидан жой топан сиёсий қуч, десам муболага бўлмайди. Аввалги сайловда мазкур партиясининг парламентада энг кўп ўрин эгаллагани ҳам фикримиз далилидир. Шунинг учун мен О'зЛиДеР илгари сураётган гоълар тарафдориман. Бундай гоълар, энг аввало, партиясининг расмий нашри — «XXI asr» газетасида ўз аксини топади. Унда чоп этилаётган мақолалар ҳар бир инсонни тадбиркор бўлишга ундайди. Балки маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланишига ҳам ишбилармонлар фаолиятига қизиқишимиз туртки бўлгандир. Кези келганда, таҳририят ижодкорларидан фермерлар фаолиятини янада кенгроқ ёритишни сураган бўлардим. Зеро, улар нафақат қишлоқ мулкдорлари, балки ўша ҳудуддаги ҳар қандай ишга бош-қош бўлаётган замонавий раҳбарлардир. Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган шароитлар туфайли улар мақеи кундан-кунга кўтарилиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Шундай инсонлар ҳақида кўп ёзган газетанинг муштарийлари сафи янада кенгайиш табиий. Дарвоқе, мен «XXI asr»га янги йил учун обуна бўлдим. Сиз-чи?

Хурмат билан,
Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

ВЕДУЩИЙ ПРОИЗВОДИТЕЛЬ КРОВЕЛЬНЫХ И ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ ТРЕТЬЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Гидроизол для: www.saxiyhamkor.uz

КРЫШИ ФУНДАМЕНТА БЕТОННЫХ ШВОВ

ГИДРОИЗОЛ НЕ ПОДВЕРЖЕН БИОЛОГИЧЕСКОМУ И ХИМИЧЕСКОМУ РАЗЛОЖЕНИЮ - ТЕНИЮ И КОРРОЗИИ

Тел.: + (998 93) 592-78-15
+ (998 98) 128-09-01
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамия

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

Бўлажак тадбиркор ҳам соғлом оилада улғаяди

Барча жойда бўлганидек, Қашқадарё вилоятида ҳам хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. O‘zLiDeP Миришкор туман кенгаши ва туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

— Соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, бандлигини таъминлаш айти кундаги долзарб масалалардандир, — деди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Набихон Нурбаева. — Шундан келиб чиқиб, биз маҳалла институтининг ролини ошириш, болалар ва ўсмирларни турли спорт турғарларига жалб этиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қолдиришда «Ота-оналар университети» фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан бирга турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳозиргача тумандаги 6 та коллеж ва 39 та умумтаълим мактаби, 5 та спорт мажмуаси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида «Соғлом аёл — соғлом оила», «Аёллар спорт фестивали», «Гимнастика — барча учун», «Соғлом она — соғлом бола» шiori остида 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўртасида кўплаб мусобақалар ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Исмигул Хўшмуродованинг таъкидлашича, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда партия томонидан ўтказилаётган ақция ва лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилда етти нафар хотин-қиз ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, 60 га яқин ҳамқишлоғини иш билан таъминлаганлиги фикримиз исботидир. Касб-хўнар коллежлари битирувчилари ўртасида бандлик даражасини ошириш учун туманда талай имкониятлар мавжуд. Хусусан, лаптоп деҳқончилик, пиллачилик, тикувчилик, зардўзлик, тўқувчилик, чорвачиликни ривожлантириш орқали минглаб қўшимча иш ўрни яратиш мумкин.

Давра суҳбати давомида «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳасининг мақсад ва вазифалари, «Соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлик», «Ижтимоий ҳавфи ва зарарли иллатлар (гибевандлик, алкоголизм, кашандалик, ОИТС)га қарши курашишда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги», «Эрта ва қаришлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзусида маърузалар тингланди.

— Жойларда оилавий спорт мусобақаларини оммалаштириш саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди O‘zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир Гулбаҳор Тўраева. — «Бир болага етти қўшни ота-она», деган ҳикматнинг замирида катта маъно бор. Қишлоқ ва маҳаллаларда тикувчилик, хунармандчилик турғарларини янада кўпайтириш, ижтимоий фаол оилалар тахрибасини оммалаштириш мақсадида «Энг ибратли оила», «Спортчилар оиласи», «Энг намунали тадбиркорлар оиласи», «Энг ишқор оила», «Энг яхши китобхонлар оиласи» каби кўрик-танловларни мунтазам ра-

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманида фаолият олиб бораётган 487-мактабгача таълим муассасида келажакимиз ворислари бўлмиш ёш авлодга тарбия бериш билан бирга болаларнинг соғлиги учун ҳам қайғурилмоқда. Боғча ҳамшираси Нодира Аннаева ҳар бир болани алоҳида текширувдан ўтказиб, уларнинг соғлигини назорат қилиб боради.



Сониқ ЗОИР олган сурат

Болага унинг кўзи билан нигоҳ ташланг


Фарзанднинг комил инсон бўлиб вояга етишиши, аввало, оиладаги муҳитга — ота-онанинг ўзаро самимий муносабати, соғлом турмуш тарзи ва тўғри тарбияга боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, соғлом бола соғлом ва аҳил оила мевасидир. Қолаверса, ташқи муҳит — маҳалла-кўй, боғча-мактаб, дўст-дўгонларнинг таъсири ҳам уларнинг шахс сифатида шаклланишида жуда катта аҳамият касб этади

Табиики, ҳар қандай киши фарзандининг келгусида етук инсон, жамиятда ўз ўрнига эга шахс сифатида камол топишини истади. Шу боис, турфа машаққатларни енгиб бўлса-да, болани моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлашга, ҳеч қимдан кам бўлмай ўсиши учун шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади. Бироқ фарзандни тарбияси, гапга қўлоқ соймайдиган, дилозор бўлса, айбни замон зайлига йўлади. Ҳўш, аслида ҳам шундаймикан?..

Болаларни гўдаклигидан эркалаб завқланамиз, уларнинг маъсум кўлгусидан қалбимиз осмон қадар юксалади. Аммо улар доимо шундай ёқимтой бўлиб қолишмайди. Ўсиб-улғайгани сайин бола тийнатида ҳам ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Яхши ва ёмон хислатларни кундалик мулоқотлар асносида тақдир йўли билан яқинларидан, хусусан, ота-онасидан олади. Қолаверса, атрофдаги воқеа-ҳодисалар ҳам унинг мурғак қалбида ўзига хос акс-садо беради. Болада умрбод сақланиб қолувчи хотиралар, келажакини белгилувчи мезону унга йўл кўрсатувчи маёқ — ота-онанинг ўзаро муносабатлари. Эр-хотиннинг маънавий муаммоларини ёш болаларни олдида ечишга уриниши, турли сабаблар билан келиб чиқадиган жанжаллар гўдак онига муҳрланиб қолади. Айниқса, қизиқувчан болақайнинг хоҳишларига қарши бориб, «мен айтгандай қилмапти» деб унга қўқ ишлатиш, қўполлик қилиш, таққирлаш — буларнинг барчаси келгусида унга бўлмас оқибатларни келтириб чиқаради. Зеро, мутахассисларнинг фикрича, инсонга умри давомида ҳамроҳ бўладиган дунёқараш, сифат ва фазилатлар асосан 7-8 ёшгача қабул қилина экан.

— Кўп йиллик кузатишларим натижасида шунинг гувоҳи бўлдимки, болаларнинг кайфияти бевосита улар улғаяётган оиладаги соғлом ёки носоғлом муҳитга боғлиқ, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 382-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Саида Нурматова. — Болаларни эрталаб кутиб олаётганимда баъзиларини қувноқ ҳолда кўрсам, айримларининг нигоҳидаги маъюслиқдан юрагим музлаб кетади. Уларнинг ҳафалиги сабабини суриштирганимда ота-онанинг урушиб қолганини айтишадди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни кичкина қизалоқ ҳадеб кўлидаги кўғирчоғини уришадди. «Нега бундай қиласан? Кўғирчоғинг сенинг боланг, жони оғрийди», десам, у: «Ойим ишдан чарчаб келганман, бошимни оғригата, деб мени ҳар куни уришадди», деб қолди. Қизалоқнинг онаси билан алоҳида гаплашдим, вазиятни тушунирдим. Маълум муддатдан кейин бунинг ижобий таъсири билан боланинг қувончдан порлаб турган кўзларида кўрдим.

Бола учун ота-онаси идеал инсон. У доимо уйда кўрганини қилишга ҳаракат қилади. Гоҳо фарзандининг хархашаларига чидаломаган ота ёки она уни «эсини киргизиб» қўяди, нимадандир кўрқитиб, айтганини қилдиради. Бундай шароитда қилган ишидан афсусланиш ўрнига, бола қалбида ота-онасига нисбатан нафрат ўйғонмайди? Қасдма-қасдида яна бошқа шумлиқни келгусида унга бўлмас оқибатларни келтириб чиқаради. Зеро, мутахассисларнинг фикрича, инсонга умри давомида ҳамроҳ бўладиган дунёқараш, сифат ва фазилатлар асосан 7-8 ёшгача қабул қилина экан.



Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ёшлигидан турткиланган, калтакланиб катта бўлган болалар улғайган ҳаётга ишончсизлик, лоқайдлик билан қарайди, кўрқок, муқтақил қарор қабул қилишда иккиланувчан бўлар экан. Тўғри, рағбат ва жазо боланинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Аммо жазолашнинг жисмоний туридан бошқа йўллари ҳам кўп. Ибн Синонинг асарларидан қамчи билан тарбиялаш энг сўнгги чора эканлиги ёзилган. Хусусан, яхши сўз, эътибор билан боланинг қусурларини бартараф этиш мумкинлиги қайд этилган.

Айрим ота-оналардан болани уриш сабабини сўрасангиз, бунга уларнинг кўп йиғлаб, тезда кўнаслигини вақ қилиб кўрсатишади. Бироқ ёш бола нима учун тинмай йиғлашини ўйлаб топмайди? Психологик нуқтаи назардан бунинг бир нечта сабаблари бор экан. Дастлабки — атрофдагиларнинг эътиборини қўймай, жабр билан қўқ ишлатиш. Энди ўзини ўйлаб кўринг: ўзи истаган эътибори

олмаган, руҳий маддадан бебаҳра қолган бола ким бўлади? Анбатта, қўлоқсизга айланади-қўяди. Иккинчиси — айтётган ишининг бажарилмай қолиши. Ундан кейингиси — қалбида йиғилиб қолган алам, ўч олиш йўли. Холбуки, ҳар бир вазиятдан ширин сўз, хотиржамлик билан чиқиш мумкин. Болага унинг кўзи билан нигоҳ ташлаш лозим. У катталарга ёқмайдиган ишни қилганида олдимизга олиб, кимлариндир мисол қилиб, яхши сўз билан фикрини тўлиқ инкор этмаётганимизни тушунирайлик. Агар фарзандингиз беъмани саволларни берса, уни жерикиб ташламанг, эътибор билан жавоб беринг. Сизнинг жавобларингизни эшитиб, унинг иши сиз учун муҳимлигини, ўзи ҳам бошқаларга сиздек муносабатда бўлиши кераклигини англайди. Шу тарих фарзандингизнинг атроф-муҳитга, бошқаларга бўлган эътибори шаклланади.

Инсон қалби гулдай нозик. Фарзандларимизнинг бегубор кўлгусини, чакнаб турган кўзларидан кувонччи сўндирмайлик. **Дилноза НОМЗОВА.**

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Болалар саломатлиги зарар етказиши мумкин бўлган ўйинчоқлар ҳақида маълумот берсангиз. Умуман олганда, ота-оналар фарзандларига ўйинчоқлар қилаётганда нималарга эътибор бериши керак?»

Д. Туропова, Тошкент шаҳри.

— Ўйинчоқлар икки турда, яъни уч ёшгача ва уч ёшдан катта бўлган болаларга мўлжалланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Болалар ўйинчоқларини харид қилишдан аввал уларнинг қалоқланиши ва ёрқиланишига эътибор бериш керак. Улар арқонлар билан боғланмастлиги лозим. Ерликда маҳсулот тури, қайси ёшдаги болаларга мўлжаллангани, корхона номи ва манзили, ўйинчоқ қайси меъриё ҳужжат асосида тайёрланганини ҳақиқий маълумотлар ўзбек тилида ёзилиши керак. Хавфсизлик нуқтаи назаридан уч ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган ўйинчоқлар кичик ҳажмда бўлмаслиги, чақалоқларга мўлжалланган шаклдоқларнинг оғирлиги 100 граммдан ошмаслиги, шунингдек, пластмассадан тайёрланган ўйинчоқларнинг қирралари ўткир бўлмаслиги, ошмоқ ўйинчоқларнинг оқуқлари мустаҳкам бўлиши лозим. Овозли ўйинчоқларнинг шовқин даражаси 65 децибелдан ошиб кетмаслиги керак.

«Озиқ-овқат дўкони сотувчисиман. Харидорга нонни қора пакетга солиб берган эдим, у эътироз билдирди. Айтингчи, харидорнинг эътирози ўзиними?»

О. Самандаров, Тошкент шаҳри.

— Бирламчи хом ашё асосида ишлаб чиқарилган полиэтилен пакетларнинг ранги тиниқ бўлади. Иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш йўли билан тайёрланган қора полиэтилен пакетларда эса оқ йўл-йўл чиқиқлари, ҳатто ташқи ёт қўшимчаларини ҳам кўриш мумкин. Бу эса инсон соғлиғи учун зарарли. Бундан ташқари, қора пакетларнинг олдта ёқимсиз ҳиди бўлади. Шунинг учун нон маҳсулотлари учун ранг қўшилмаган оқ пакетларни ишлатган маъқул. Ўз навбатида, пакетни тўплами билан сотиб олган харидорлар уларнинг ўрамини ёзилган «Ҳўжаликда ишлатиш учун» ёки «Ноозик-овқат маҳсулотлари учун» каби ёзувларга аҳамият беришлари лозим.

Саволга Республика сенов ва сертифицилаштириш маркази давлат корхонаси бўлим бошлиғи Ҳабоба Холмировава жавоб берди.

Кегейлидаги баҳслар

O‘zLiDeP Кегейли туман кенгаши томонидан «Соғлом оила — соғлом жамият таянчи» шiori остида касб-хўнар коллежлари ўқувчи қизлари ўртасида волейбол бўйича мусобақа ўтказилди.

— Мақсад қизларимизнинг спортга бўлган қизиқишини кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат, — деди O‘zLiDeP Кегейли туман кенгаши раиси ўринбосари Б.Искандаров. — Партиянинг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг жамиятдаги ва оиладаги ролини ошириш, хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза этишда шундай тадбирларнинг ўрни катта.

Қизинг беллашувларга бой тарзда ўтказилган мусобақада қизлар ўзларининг волейболни қай даражада ўзлаштирганини намоиш этишди.

Натижада маънавий хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежининг «O‘zLiDeP ёшлари» жамоаси биринчи, агросаноат касб-хўнар коллежининг «Жайхун» жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, саноат ва транспорт касб-хўнар коллежининг «Баркамол авлод» жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақа сўнгида голибларга партиянинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати.

«Соғлом аёл» мажмуаси

Олтириқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида тадбиркор Манзураҳон Файзимова «Қишлоқ қурилиш банки»дан 80 миллион сўм миқдорда кредит олиб, икки қаватли «Манзурабегим салтанат» хусусий фирмасига тегишли «Соғлом авлод» мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширди. Мажмуадаги фитнес зали, фитобар, гузаллик ва тўй либослари салонлари, тикув цехи ўзининг сифатли хизмати, шарт-шароитлари билан барчага ўрнак бўлмоқда. Бу ерда 20 га яқин янги иш ўрни яратилди. Келгусида пойабзал таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиб режалаштирилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Эпидемик ва эпизоотик барқарорлик

Ўлкамизда куз. Бу фасл тўкин-сочинлик палласи бўлиш билан бирга турли касалликлар юзга келаётган пайт ҳамдир. Айни шу ойлarda юқиш эҳтимоли юқори бўлган куйдирги, кутурвиш, бруцеллез касалликлари ҳавфлиги билан ажралиб туради

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро эпизоотик бюросининг маълумотларига кўра, дунёнинг қатор давлатларида ана шундай юқумли касалликлар бўйича мурраккаб эпизоотик ва эпидемик вазият сақланиб қолмоқда.

Куйдирги инсониятга жуда қадим замонлардан маълум. У асосан ўзига хос яра, камдан-кам ҳолларда эса ўпка, ичак ва оғиз-томоқда намоён бўладиган, хайвонлар ва одамлар учун умумий ҳисобланган ўта хавфли юқумли касалликдир.

Мазкур касалликнинг мабдалари ўтхўр хайвонлардир. Унга йирик ва майда шохли моллар, от, туя, эшак, қийиқлар кўпроқ мойил бўлади. Ит, мушук ва баъзи бир ёввойи хайвонлар куйдирги билан камдан-кам ҳолларда касалланади.

Хайвонлар куйдирги касаллиги кўзгатувчиси билан зарарланган озуқаларни, айниқса, айни куз пайтларида ўсимликлар илдишларини ейиш жараёнида жароҳатланган тери орқали касаллик кўзгатувчисини юқтириб олади.

Бундан ташқари, куйдирги таёқчалари ҳаво-томчи, ҳаво-чанг билан юқори нафас йўллари, шунингдек оғиз орқали ҳам хайвонларга юқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ўрғалиларида чорва молларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда ветеринария-санитария талабларига тўлиқ риоя қилиниши учун муҳим омил бўлди. Аҳоли ва хайвонлар ўртасида зооантропоноз касалликларнинг олдини олиш бўйича Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма қарори билан «Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари ва сўйиш майдончаларида молларни сўйиш тартиблари ҳамда молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат этувчи гувоҳнома бериш ва қайт этиш тўғрисида»ги низоми, шунингдек, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Ўзстандарт» агентлигининг қўшма қарори билан «Бозорлар ва савдо нуқталарида гўшт маҳсулотларининг сотилишига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги йўриқнома ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Ушбу қарор асосида молларни марказлаштирилган ҳолда сўйишни ташкил этиш мақсадида республика бўйича бир қатор янги қушоналар ва сўйиш майдончалари қурилиб, ишга туширилди. Бу ишлар хозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Республика ҳудудига ўта хавфли юқумли касаллик кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида 32 та санитария-назорат пункти фаолият кўрсатмоқда ва шу пунктлардан ўтаётган барча хорижий фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилади.

Куйдирги ва кутурвиш, бруцеллез ҳамда крим-конго геморрагик иситмаси каби ўта хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг, шунингдек бу касалликларни маҳаллий ҳолат сифатида қайт этилишининг олдини олиш масалалари Республика эпидемияга қарши кураш факултетида комиссияси йиғилишида муҳокама этилиб, қўшимча чора-тадбирлар белгиланган.

Бугунги кунда республикада ушбу касалликлар бўйича эпидемик барқарорлик таъминланмоқда.

Нурриддин ТОШБОВЕВ, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудир, тиббиёт фанлари номзоди, олий тошфиди врач.

Ишонтириш санъати

ёхуд сайловларда қандай усуллар яхши самара бераётгани хусусида

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Сайлов — сиёсий партиялар учун энг катта синов ҳисобланади. Чунки халқ айнан шу кампания даврида қайси партиянинг қандай эканлигини баҳолаш ва танлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар, аввало, халқ орасидаги ўз обрўсини йўқотмасликка, сайловлар жараёнида хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Бу ёзилмаган қонун сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ва жаҳон ижтимоий-сиёсий тизимида ўзига хос ўрин тутишидан бошлаб амал қилиб келмоқда.

Кези келганда партиялар тарихига қисқача тўхталиб ўтсак. Гарчи улар дастлаб айнан партия деб номланмаган бўлса-да, муайян кучлар ва ҳаракатлар манфаатларини ифодалагани ҳақиқат. Тарихий манбаларга қараганда, партиянинг илк кўринишлари қадимги Юнонистонда юзага келган. Хозирги тушунчасидан тамоман фарқ қилган ҳолда улар бирор ҳудуд ёки минтақадаги аҳоли гуруҳлари номидан иш кўрган. Кейинчалик қадимги Римда маълум бир шахслар ёки концепция(ғоя)лар атрофида аҳолининг турли қатламлари бирлаша бошлаган. Замонавий партияларнинг илк негизи ўша даврларда шаклланган ва жамият тақдирини ҳал этишга таъсир кўрсатган.

Моҳиятан олиб қараганда, уларнинг функцияси ҳозир ҳам ўзгаргани йўқ. Яъни, аҳоли эътиборини жалб қилиб, жамиятда ўз мавқеини оширишдан иборат. Жаҳоннинг қайси мамлакатини олиб қарамайлик, бугунги сайловчи қувватдор ғояларни қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг ижросини ҳам талаб қилмоқда. Бошқача айтганда, кўпроқ либерал-демократия ғояларига таянган бозор иқтисодиёти қонуниятлари амал қилмапти. Яъни, харидор (сайловчи, халқ) энг яхши маҳсулотни (сиёсий партия, у кўрсатаётган номзод ёки ғояни) танлаб олаётир.

Албатта, ана шундай нозик бир пайтда сиёсий партиялар голиб чиқиш учун турли усуллар, акцияларни амалга оширадидилар. Халқ орасида ўз нуфузини кўтариш, яхши томонларини имкон қадар кўпроқ намойиш этишга қаратилган ҳаракатлар шу қадар кўпайиб кетдики, бу ўз навбатида, сиёсий атамашуносликда сайлов технологиялари, янада аниқроқ айтилганда бўлса, сиёсий технологиялар иборасининг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай усул сиёсий реклама, деб ҳам аталаяпти. Лекин ҳар қандай ҳаракат ва кампаниянинг ҳам ресурслари чексиз-чегарасиз эмас. Шу боис соҳа мутахассислари сайловлар даврида мав-

жуд имкониятлардан тўғри фойдалана олиш ниҳоятда муҳим эканини таъкидламоқдалар. Сиёсий кампаниялар билан эса алоҳида мутахассислар — сиёсий технологлар шуғулланапти. Унинг асосий ресурслари эса вақт, пул, одамлар ва уларнинг ижодий имкониятларидир.

Мавжуд сиёсий усулларни кенг маънодаги PR (публик рилейшнз)нинг бир қисми, дейиш мумкин. Соҳадан хабардор аксарият мутахассислар «пиар»ни сиёсий партия фаолиятининг ажралмас ва мажбурий қисми, деб ҳисобласалар, кенг жамоатчилик орасидаги бошқа тоифа вакиллари уни ўзини кўз-кўз қилиш усули сифатида баҳоламоқда. Бугунги кунда деярли барча мамлакатларда PRнинг «қора», «оқ» ва ҳатто «қулранг» хилга ажратилаётгани боиси ҳам ана шундандир. Шу маънода пиар ҳар қанча кенг қўлланилмасин, унга баҳо беришда мутахассисларнинг фикри яқдил эмас. Лекин кучли тарғибот ва ташвиқот воситаларисиз сайловчи эътиборини жалб қилиб бўлмаслиги ҳам айни ҳақиқат.

Шубҳа йўқки, сиёсий партиялар ўз дастури орқали жамиятнинг муайян эҳтиёжларини қондира олишига сайловчинини ишонтира олиши керак. Бунда, хоҳлаймизми-йўқми сиёсий технологиялар даркор.

Шундай экан, сиёсий кампанияни тўғри ташкил этишда мафкуравий қарашлар ва сиёсий маданиятнинг алоҳида аҳамиятга эгаллигини унутмаслик зарур. Бунда сайловчи бир неча етакчи орасидан ўзига маъқул номзодни танлаши ва қайсидир ҳижатлари билан ўзига ўхшайдиган инсонга овоз бериши ҳамisha диққат-эътиборда бўлиши шарт.

Демак, ҳар қандай PRнинг, сиёсий технологияларнинг асосий мақсади одамларни у ёки бу ҳаракатни амалга оширишга (ёки кимгадир овоз беришга) ишонтиришдан иборатдир. Сайловчинини бирор нарсага ишонтиришда эса энг самарали восита оммавий ахборот воситалари бўлиб, бугунги кунда унинг имкониятлар микёси шу қадар кенгайиб кетдики, ҳатто мафкуравий курул сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам дунёдаги аксарият сиёсий кучлар, хоҳ алоҳида сиёсий арбоб, хоҳ бутун бошли партия бўлсин, энг аввало, оммавий ахборот воситалари улар билан яхши муносабат ўрнатилганда иштирок қилади. Сиёсий технологлар партия ёки номзод нуфузини, рейтингини кўтаришга бағишланган кампанияларни ОАВнинг иш-лаш усуллари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишга ҳаракат қиладилар. Чунки бусиз у ёки бу марсага хусусида ижтимоий фикрни шакллантириб бўлмайди.

Яна бир жиҳат: сайловлар жараёнида ижтимоий-психологик мазмундаги ишонтиришнинг аҳамияти катта бўлиб, у сайловчи онгига кучли таъсир кўрсатади. Бундай таъсир доирасига тушиб қолган сайловчи билдириляётган фикр, ғоя мазмунини таҳлил этмай қабул қилади.

Айни кунларда ҳам одамлар ўз манфаати, қизиқиши, эҳтиёжи, қадриятлари ва эътиқодига мос, иқтисодий рағбат келтирувчи ғояларга ишонилдириллар. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар сайлов даврида ишончли вакиллар танлашда янгиликлар ҳаракат қиладилар. Сўровлар ёрдамида жамоатчилик фикрини ўрганадилар. Бу бир қарашда кишиларнинг муайян воқеа-ҳодиса, ҳолат ёки инсонга нисбатан шахсий фикрини ҳолисона ўрганиш усули бўлиб туюлса-да, аслида манфаатдор томонлар учун зарур жавоблар, натижаларни ҳам бериши мумкин.

Сайловчилар эътиборини жалб этиш компромат (фот қилувчи материаллар йиғиш), тескари «реклама» («қора» PR), турли миш-мишлар тарқатиш сингари «ғирром» ва тақиқланган «уйин»лардан ҳам фойдаланиладигани, уларнинг мавжудлигидан асло кўз юмиб бўлмайди.

Компромат материаллар йиғиш айниқса хориж тажрибасида кенг тарқалган усуллардан бири ҳисобланади. Бунда муҳолифни обрўсизлантириш, мавқеини тушириш учун турли йўللар ва воситалар билан унинг таржимаи ҳоли, фаолиятидаги салбий далиллар қидириб топилди. Зарур бўлса, бундай маълумотлар катта пул эвазига сотиб олинади. АҚШ президентиликка сайловлар даврида Барак Обаманинг хорижда тутилгани ва мусулмон динига мансуб эканини исботлашга қаратилган уришлар бунга яққол мисол бўла олади. Бирок ўша пайтда Обама ва унинг сафдошлари бу маълумотларнинг сохта эканини исботлашга, сайловда ғалаба қозониш имконини берувчи маблаг йиғишга эришдилар. Ўзига тўқ сайловчиларни бошқа бир демократик партия вакили, машҳурлик бобида Обамадан анча олдин бораётган Хиллари Клинтондан юз ўтиришга кўндирди Ангела Меркелни молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳукуматга яқин бир тадбиркорнинг таваллуд кунини шохона тарзда ўтказиб беришда айбланганлари ҳам юқоридаги каби усуллардан биридир.

Калифорния губернаторлигига номзод Арнольд Шварценеггернинг Австрияда тутилгани (гўё у ҳақиқий америкалик эмас, унда ватанпарварлик туйғуларини етишмайди қабилда) ёки 2004 йилда АҚШ президентлиги учун кураш олиб борган номзодлардан бири — Жон Керрининг



келиб чиқиши яхудий эканлиги, унинг баъзи (хусусан, Ироқ теъарағидаги) масалаларга муносабатида икки хил йўл тутганиги тўғрисидаги далиллар ҳам компромат тарқатишнинг классик услубларидир.

Сайловчи эътиборини жалб этишда муҳолиф партия орасига ўз одамларини кириштириш орқали керакли ахборотларни олиш, рақобатчиға яқин доирадаги шахсларни катта пул эвазига ёллаш сингари ноодатий усуллар ҳам кенг қўлланилади.

«Қора» PRда эса асосан муҳолиф кучлар яширин равишда қаратилган уришларда бунга яққол мисол бўла олади. Бирок ўша пайтда Обама ва унинг сафдошлари бу маълумотларнинг сохта эканини исботлашга, сайловда ғалаба қозониш имконини берувчи маблаг йиғишга эришдилар. Ўзига тўқ сайловчиларни бошқа бир демократик партия вакили, машҳурлик бобида Обамадан анча олдин бораётган Хиллари Клинтондан юз ўтиришга кўндирди Ангела Меркелни молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳукуматга яқин бир тадбиркорнинг таваллуд кунини шохона тарзда ўтказиб беришда айбланганлари ҳам юқоридаги каби усуллардан биридир. Калифорния губернаторлигига номзод Арнольд Шварценеггернинг Австрияда тутилгани (гўё у ҳақиқий америкалик эмас, унда ватанпарварлик туйғуларини етишмайди қабилда) ёки 2004 йилда АҚШ президентлиги учун кураш олиб борган номзодлардан бири — Жон Керрининг

ташланди. Бундан мақсад фақат Саркозини обрўсизлантириш эмас, балки унинг номзодини кўрсатган Франция Халқ ҳаракати иттифоқи — ўнг марказий консерватив партиянинг мавқеини туширишди, десак хато бўлмайди. Чунки кейинги йилларда мазкур партия Франциядаги энг ёш, аммо дадил ҳаракатли партиялардан бири сифатида жамиятда ўз мавқеини ошира бошлаган эди.

Шу ўринда сайловлар даврида имижмейкер, сиёсий технологлар ва ижтимоий психологлар хизматидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилганлиги, аксарият ҳолларда улар қўтилган самарани бераётгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўпчилик фарб мутахассисларининг сайлов партияни эмас, балки сиёсий етакчиларни яратади, деган фикрни айтмоқдалар. Бунда номзодларнинг ташқи кўриниши биринчи ўринга чиқади. Европалик жамиятшунослар жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида қизик бир ҳолатни аниқлашди. Яъни сайловчи биринчи навбатда

номзоднинг ташқи кўриниши, иккинчи ўринда ишини қай даражада бажара олиш қобилияти, учинчи ўринда эса сиёсий мавқеига эътибор қаратар экан. Номзоднинг қайси партиядан экани эса сайловчи учун тўртинчи даражали эмиш. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Таникли сиёсий PR мутахассиси Ж.Нейполитен «Номзоднинг сиёсий нуқтаи назаридан кўра, унинг ўзидан қолдирадиган таассуроти муҳимроқдир» деган эди. Америка Президенти Р.Никсоннинг сайловолди кампанияси тугаланидан сўнг эса мутахассислар шундай хулосага келишди: «Сайловчининг номзод билан тўғридан-тўғри танишишга имкони йўқ. Шунинг учун улар номзоднинг телевизион имижига эътибор беради. Шу боис номзоднинг ўзи эмас, унинг имижига керак, деган тушунча юзага келди ва имижмейкинг сиёсий PRнинг бир бўлагига айланди.

Ана энди бир ўйлаб кўрай: қандай ҳолатларда номзодлар ўтказиши мумкин? Агар сайлов кампанияси

етарли даражада ташкиллаштирилмаса, номзод ўз имкониятларини ортиқча баҳолаб, сайловга психологик жиҳатдан тайёр бўлмаса, аниқ стратегияга эга бўлмаса, сайловчилар гуруҳларининг психологик хусусиятларини ҳисобга олмай иш юритса, ўз сайлов кампаниясига шахсан ўзи раҳбарлик қилса, маҳаллий «элит», нуфузли кишиларнинг қўллаб-қувватлашига суюнмас, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш-лабмас, муҳолифларнинг эътирозлари, «хужум»ларига муносиб жавоб қайтара олмаса, имконият бой берилиши мумкин эмас. Шу билан бирга нотўғри танланган имиж, мунозарага кириша олмаслиги, ноўрин конформизм (ён бериш), сайловчиларга сайловолди дастурини ҳаётий тарзда, улар манфаатларидан келиб чиқиб еткази билмаслик, тарғибот-ташвиқот ишларига маблагни аяш, муҳим ва қатъий қарорларга келишда узоқ иккилашни, ланжлик ҳатто машҳур номзод учун ҳам муваффақиятсиз яқунлишни шакл-шубҳасиздир.

ЭЪЛОН

«REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖ

нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади

Навоий вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг **05.09.2014** йилдаги **67-П**-сонли буйруғи билан «Навоий» халқаро аэропорти давлат корхонаси балансидаги Кармана туман «Дўрмон» ҚФЙда жойлашган узокдан чиқарувчи радиомаркер-**253** (ДПРМ-**253**) биноси **102,075,000** сўм бошланғич нархи билан аукцион савдоларига чиқарилмоқда.

Аукцион савдоси **2014** йил **21** октябрь кунини соат **11.00** да Навоий вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар **2014** йил **20** октябрь кунини соат **18.00** га қадар қабул қилинади.

Талабгорлар диққатига!

2014 йил **21** октябрь кундаги аукцион савдосида сотилмаган мулкнинг такрорий аукцион савдолари **2014** йил **29** октябрь, **6, 14, 20** ва **27** ноябрь кунлари соат **11.00** да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар савдодан бир кун олдин, соат **18.00** да тўхтаилади.

Мазкур объектлар текис майдонда, табиий газ, сув, электр энергия ва транспорт коммуникацияси жин масофада жойлашган.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг **15** фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт. **20208000600275244001**, АТБ «Асака» банк Навоий филиали, МФО:

00206, ИНН: **302799910**. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб **20** кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади. Шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисиға аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртмани тақдим этади:

- юридик шахслар учун таъсис ҳужжатларидан нусха;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (аризманий шахслар) — паспорт нусхаси;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасини тақдим этади.

Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, **24**-уй, Навоий вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси биносининг **1**-қавати, «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖ. Тел: **224-92-21**

Хизматлар лицензияланган. ЛИЦЕНЗИЯ № RR-0183.

ЭЪЛОН

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе.

Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказываются содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.

Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы:

Заявка (по форме);

Инвестиционное предложение (по форме);

Паспорт инвестиционного предложения (по форме).

Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел.: (+99871) 238-69-07, 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com

Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу: г.Ташкент **100027**, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева, **1**.
Услуги лицензированы.

В объявлении, изданном в газете «XXI asr» от **14.08.2014** года за №**32**, Комитета по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан даты проведения повторных конкурсов, кроме объявленных дат дополнить: **7** октября, **7** и **27** ноября, **8** и **26** декабря **2014** года, **9, 19** и **30** января **2015** года, **10, 20** и **27** февраля **2015** года, **10, 20** и **27** марта **2015** года.

СЎНГГИ САҲИФА

Сайёрамиз «соябон»и

Ўзбекистон сайёрамизни турли радиациялардан ҳимояловчи озон қатламини муҳофаза этишда Марказий Осиёда етакчи мамлакат ҳисобланади

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Республика Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фонд ҳамкорлигида Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжумани Ер юзининг химия қобиғи ҳисобланган озон қатламининг бугунги ҳолати, емирилишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

Атмосферанинг озон қатлами курраи заминимизда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан биридир. Аммо, афсуски, инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти оқибатида сайёрамизни қуёш радиациясида ҳимояловчи «табиий соябон» тобора юпқалашиб бораёпти. Мазкур экологик

муаммони ҳал этиш мақсадида 1985 йилда дунёнинг 147 мамлаката иштирокида Озон қатламини химия қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинган бўлса, 1987 йил 16 сентябрда Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколи имзоланган. Мамлакатимиз 1993 йилдан буён мазкур халқаро ҳамжамият аъзоси ҳисобланади.

Ушбу протокол атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган қилиш-қилинган ишларида энг самарали кўп томонлама қилиш-қилинган сифатида тан олинган билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боис уни амалга ошириш, яъни озон қатламини емирувчи сазй-ҳаракатларни босқичма-босқич қисқартириш бўйича муайян муваффақиятларга эришилмоқда.

Мазкур халқаро ҳужжат талаблари ижроси доирасида

мамлакатимизда тегишли миллий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда мустақам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Жумладан, ишлаб чиқаришга замонавий «яшил» технологиялар фаол жорий қилинмоқда. Соҳа мутахассислари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Турли техника воситалари ва бошқа махсулотларни ишлаб чиқаришда озон қатламини емирувчи моддалар ўрнига улар ўрнини босувчи бирикмалардан фойдаланилаётганига халқаро даражада юқори баҳо берилаяпти. Натижада ўтган қисқа бир муддатда Ўзбекистон Монреаль протоколи талабларини бажариш бўйича Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатга айланди.

О'zLiDeP мусобақасида — НОЗК қизлари ғолиб

Навоний олимпия захиралари коллежида партия соврини учун «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» шиори остида волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида мусобақа ўтказилди.

О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Волейбол федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилган мусобақаларда Навоний давлат педагогика институтини, Конимех туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Навоний шаҳридаги Олимпия захиралари ҳамда

Компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари коллежлари талабалари ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

— Талбирни ўтказишдан қўзланган бош мақсад — хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш, шунингдек, партиянинг устувор вазифаларидан бири — аёлларимизнинг

ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолликларини оширишга қаратилган, — дейди талбир ташкилотчиси, О'zLiDeP вилоят кенгаши Аёллар сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Саодат Нарзиева. — Қизгин баҳслар остида ўтган беллашуларда Навоний Олимпия захиралари коллежи волейболчи қизларининг кўли баланд келди. Мусобақа ғолиб ва иштирокчиларига О'zLiDeP вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мансур АСЛОНОВ.

УНИВЕРСИТЕТДА ТАҲСИЛ ОЛИБ ЮРГАН ПАЙТИМДА О'zLiDeP ДАСТУРИ БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚҚАНИМДА УШБУ ПАРТИЯ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПГАН, ВАТАНГА СОДИҚ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШГА ТАЙЁР ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИНИ БИЛГАНИМДАН СЎНГ УНИНГ АЪЗОСИ БЎЛИШГА ҚАРОР ҚИЛГАНДИМ.

Айнан О'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган ўқув-семинарларда тadbиркорлик билан шуғулланган ҳолда ўзининг молиявий аҳволимини яхшилашдан ташқари, мамлакат иқтисодийоти ривожига ҳам ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлишимни англаб етдим. Шу тариқа телевиденида ишлаб, ижод қилишдан ташқари, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Бунга дугоналаримни ҳам жалб қилдим. «Тўй либослари» салонимизни ҳозирча ҳамкорларимиздан харид қилинган махсулотлар билан тўлдирётган бўлсан-да, яқин келажакда тикув цехини очиб, янги иш ўринларини яратишни мўлжаллаб турибмиз.

Тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга ҳар бир лойиҳага пухта режа билан киришишни тавсия қилган бўлардим. Зеро, шундагина улар нимага қўл ураётганлари, сазй-ҳаракатлари қандай натижа бериши мумкинлиги аён бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловларда О'zLiDePдан ўз номзодини қўйишни мақсад қилган сафдошларимга омад ёр бўлишини, «XXI asr» газетасига эса ўқувчилари сони бундан ҳам кўп бўлишини тилаб қоламан.

Камола Эрматова,
«Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндори.

Наманган ҳунармандларининг 1050 хил маҳсулотли

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси Наманган вилоятида ҳам изчиллик билан амалга ошириляпти. Бунда «Хунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси ва туманлардаги 9 та бўлимининг фаолиятини эътироф этиш жоиз

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

— Хунармандчилик маҳсулотлари ҳамиша қадрланиб келинган. Айниқса, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган ҳамғўрликлар туғайли хунармандларимизга ҳам кенг имкониятлар эшиги очилди, — дейди «Хунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Икромжон Каримов. — Ҳозирда уюшмаси аъзолари сони 900 нафардан ошди. Улар хунармандчиликнинг 25 тури бўйича фаолият юритиб, 1050 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаряптилар.

Хунармандларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадида уюшма

томонидан вилоятнинг 9 та туманида ўтказилган 30 дан ортиқ ўқув-семинар, давра суҳбати ва учрашуларда 2500 нафардан зиёд тadbиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хунармандлар иштироки таъминланди. Натижада уй шароитида миллий хунармандчиликни йўлга қўйиш истиғини билдирган фуқароларга молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар ажратилишига қўмаклашилди.

Шуниси эътиборлики, Поп туманилик кулол, О'zLiDeP аъзоси Ваҳобжон Буваев ўзи ясаган махсулотлар билан Францияда ташкил этилган халқаро кўргазмада қатнашиб, ўзбек хунармандлари нималарга қодирлигини жаҳонга намойиш этди. Чуст туманилик Раҳимжон Убайдуллаев эса миллий пичоқларни Россияга

экспорт қилишни йўлга қўйди.

Вилоятда миллий хунармандчилик анъаналарини ёшларга ўргатиш борасида ҳам уюшма томонидан ибратли ишлар амалга оширилляпти. Жорий йилнинг айни кунигача 54 та «Уста-шоғирд» мактаби ташкил этилди. Уларда 265 нафар ёш йигит-қиз сабоқ олмақда. «Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси» унвони соҳиблари — ёғоч ўймаkori, уста Маҳмуджон Жўраев, амалий санъат устаси Аскарбек Акбаров, «Жасорат» ордени эгаси, зардўз Зебо Азизбоева, «Шўҳрат» медалли соҳиблари, атлас тўкувчи Латифжон Аҳмаджонов, дўппидўз Халима Қосимова, чинни буюмлар устаси Невматжон Солиев мактабидан ҳар йили 100 нафарга яқин шоғирд этишиб чиқмоқда.



Ў БИЛАСИЗМИ?

Хўнрайманг — омадингиз қочади

Омадни қўлга киритиш осмондаги қушни ушландек мушкул. Аммо бунга осонгина эришиш қийин эмас. Таннишларнинг кўпчилиги муваффақиятнинг асосий калитидир, — дейди психология фанлари номзоди Маҳмуд Йўлдошев. — Улардан бири иш борасида, иккинчиси шахсий ҳаётда жўяли маслаҳат берса, яна бири қизқарли, керакли одамлар билан таништиришни мумкин. Уларнинг ҳар бири билан жуда яқин бўлиш ҳам шарт эмас. Фақат ўзаро алоқани узмасликнинг ўзи қифоя. Бироқ улардан фақат ёрдам кутмай, икмон даражада қўллаб-қувватлашга доимо тайёр туриш керак. Омадли бўлишнинг яна бир шarti — ҳаётга юмор билан қарайдиганларга яқин бўлиш ва улардан ўрнак олишнинг ҳам фойдаси кўп. Чунки яхши кайфият кишини янги-янги гоиларни амалга оширишга руҳлантиради.

Ёруғлик ҳам терапия

Бир қарашда кўпчилигимиз эътибор бермайликан ёруғлик аслида инсон кайфиятига катта таъсир кўрсатар экан. Ҳатто тиббиётда ҳам терапиянинг шундай усули мавжудки, беморни олди қироқдан ёруғроқ экан ёнига ўтказиш орқали тушкун кайфиятдаги беморнинг ҳолатини ижобий томонга ўзгартириб, яшанга интиққини оширишнинг синналган усули ҳисобланаркан.

100 ёшлилар ороли

Япониянинг Окинава оролида 500 га яқин 100 ва ундан катта ёшдаги кишилар яшашини биласизми? Бу ерда ҳар 100 кишининг 35 нафари аср тенгдошидир. Бу бутун дунёда энг баланд кўрсаткич ҳисобланади. Энг қизиғи — оролда улар улгайган сари уларини яна ҳам ёшроқ ҳис эта бошлар эканлар. Саратон ва инфаркт касалликлари ороликлар учун бетона экани ҳам ўзинга хос жумбоқдир. Айтишларича, бундай узоқ умр кўришининг боиси кўп миқдордаги кальций ионлардан иборат бўлган ичимлик сувидир. Лекин олимлар бунинг асосий сабаби тўғри овқатланиш, ҳаётга тўғри муносабатда бўлиш ва жисмоний кутни тўғри сарфлашда, дея баҳоламоқдалар. Бундай ҳулосада асос бор: окинавалар жуда оз миқдорда калорияли овқатлар истеъмол қиладилар. Асосий дастурхонлари мева ва сабзавотлардан иборатдир. Окинавача турмуш тарзининг яна бир муҳим сирини ҳар бир кунни хурсанд кутиб оlishдир.

Миллий ўйинлар унутилмайди

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шўхрати» музейида «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда миллий спорт ўйинларининг аҳамияти» мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Д.Муллажонов, «Миллий спорт маркази» давлат унитар корхонаси бош директори З.Расулов, Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси П.Усмонов ва бошқалар иштирокчилари дастлабки йилларидан юртимизнинг барча ҳудудларида халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган миллий ўйинларни янада раванг топтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошириляётгани, мазкур йўналишда турли фестиваллар, мусобақалар мунтазам ўтказиляётганини эътироф этишди. Маълумотларга кўра, айни кунда юртимизда халқ ўйинларининг мингга яқин тури мавжуд бўлиб, миллий кураш билан мунтазам шуғулланаётганлар сони 90 миңг, белбоғли курашга ошно тутиналар 50 миңдан ошиб кетган. Бундан ташқари, кейинги йилларда ёшларимиз орасида тобора оммалашиб бораётган Ўзбек жанг санъати (40 миңдан ортиқ), «Турон кураши» (10 миң нафар киши) ҳамда улоқли кўпқари (қарийб 2 миң нафар) каби миллий қадриятларимиз бўйича турли мусобақалар ўтказилмоқда. Тadbирда халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, таълим-тарбия масканларида машғулотларни миллий спорт турларидан кенг фойдаланган ҳолда олиб бориш масалалари муҳокама қилинди. Фахридин НУРАЛИЕВ.

«8» ўрнига «0»ни теришни эсдан чиқарманг!

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида жорий йилнинг 24 сентябридан 1 октябрга қадар халқаро нумерация стандартларига ўтиш тadbирлари амалга оширди. Компания сайтида эълон қилинган хабарга кўра, шаҳарлараро ва халқаро алоқа чиқиш учун рақам териш тартибига ўзгартириш киритилиши муносабати билан энди шаҳарлараро алоқага чиқиш аввалги «8» ўрнига «0» билан, халқаро алоқага чиқиш эса «8-10» ўрнига «00» орқали амалга оширилади.

Ш.ХҲҲАЕВ.

РЕКЛАМА



ХҲҲАЕВ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тadbиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан махсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва мувофиқлик сертификатлари бериш борасида қўллаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар синовини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт товарлар учун мувофиқлик сертификати олиш юзасидан «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг online режимда ишлайдиган info@tashsert.uz сайти ёки (8-371) 267-03-10 рақамли «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва ташвишга солаётган айрим муаммолар ҳусусида батафсил маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Биз Сизнинг хизматингиздамыз, азиз тadbиркорлар!
«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.

Хизматлар лицензияланган.

3AZ FORZA Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.